
Президент қарори ижроси доирасида Беруний маҳалласининг ҳам 4000 метр ички йўллари обод манзилларга айланмоқда

Ўзбекистон туманида давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида аҳоли турмушида учраётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан бир қанча вазифалар белгилаб олинган. Мазкур вазифаларнинг қишлоқ ва маҳаллалардаги ижроси ҳудудлар кўркемлиги ва ободлигида акс этмоқда.

Хусусан ички йўллари таъмирлаб, асфальтлаш, манзилларни обод масканга айлантириш ишлари навбати “Беруний” маҳалласига етиб келди.

Шу кунларда пудратчи ташкилот йўлсозлари томонидан маҳалланинг 4000 метр ички йўллари раво ва соз ҳолатга келтириш тадбирларига киришилди.

2023-04-06 14:09:34